

Юртимиз бўйлаб жорий йилнинг 23-январ санасидан бошлаб барча умумтаълим мактабларида ананавий дарс жараёнлари бошланган.



Бугун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Б.Қурбонов, туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров ҳамда туман Халқ таълими бўлими томонидан Қумқўрғон туманидаги Халқ таълими бўлими тасаруффидаги умумтаълим мактабларининг иситиш механизimini кўздан кечирди.

Маълумот учун туманда 86 та мактаб мавжуд бўлиб, шундан 15 таси табиий газ тармоғига уланган қолган 71 таси кўмир билан иситилади.

Аномал совуқ об-ҳаво шароитида ўқувчиларнинг синф хоналарда қулай таълим олиш имкониятини яратиш мақсадида иситиш қозонлари туну-кун ишлаб турибди.

Мазкур ўрганиш давомида ҳаво ҳарорати паст бўлган мактаб раҳбарларига ҳаво ҳароратини кўтариш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди.